



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 18 сентябрь, № 195 (8538)

Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШГА КЕЛДИ

Хабар берилганидек, 17 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессияси тадбирларида иштирок этиш учун Нью-Йорк шаҳрига келди.

Аэропортда олий мартабали меҳмонни Нью-Йорк шаҳри мэри Эрик Адамс, АҚШ — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ташриф дастурига мувофиқ, 19 сентябрь куни давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ялпи сессиясининг умумий мунозараларида нутқ сўзлайди ҳамда минтақавий ва глобал кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ўз нуктаи назарини баён қилади.

Йилнинг бош халқаро сиёсий тадбири доирасида Марказий Осиё мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатлари етакчилари саммити, хорижий давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва АҚШнинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан қатор икки томонлама учрашувлар ҳам бўлиб ўтади.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ БИЗНЕС ФОРУМИДА ЎНДАН ОРТИҚ ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига ташрифи арафасида Вашингтонда Ўзбекистон — Америка бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари, саноат бирлашмалари, тижорат банклари, инвестиция тузилмалари раҳбарлари, шунингдек, АҚШнинг АКТ, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, транспорт, банк иши ва бошқа соҳаларда фаолият юритувчи йирик корпорациялари раҳбарлари иштирок этди.

Форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир-и ўринбосари Жамшид Хўжаев, инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Кудратов, АҚШ — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм, АҚШ ЭКСИМ банки президенти Рета Жо Льюис ва Давлат котиби ёрдамчиси ўринбосари Дас Марк Поммершайм сўзга чиқди.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси, ҳукуматлар ва ишбилармон доираларнинг доимий ҳамкорлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон томони

иқтисодиёт, савдо, саноатни ривожлантириш ва сармоявий муҳитни яхшилаш бўйича эришилган муҳим ютуқларни тақдим этди. Хусусан, эркин бозор ва соғлом рақобат механизмлари яратилгани, тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш, инфратузилмани ривожлантириш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, иқтисодиётда давлат иштирокининг қисқариши ва кенг қўламли хусусийлаштириш жараёнлари бошлангани таъкидланди.

Амалга оширилаётган ислохотлар туфайли Ўзбекистон сармоя киритиш бўйича Америка ишбилармон доиралари учун жозибador манзилга айланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда АҚШнинг 300 та компанияси фаолият юритмоқда.



Ўзбекистон — БМТ:

УМУМИЙ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йил 19 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтадиган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессияси умумий муҳокамаларида иштирок этади. Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда янги суверен, мустақил давлат сифатида БМТга аъзо бўлди. Мамлакатимиз ушбу универсал халқаро ташкилотга аъзо бўлганидан буён у ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари билан турли соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Биз ва жаҳон

Замонавий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш, Афғонистонда тинчликни таъминлаш ва мамлакатни тиклаш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, экологик муаммоларни ҳал этиш, хусусан, Орол денгизи инқирози оқибатларини юмшатиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, туризмни ривожлантириш ва бошқа жабҳалардаги кўп томонлама ҳамкорлиқнинг асосий устувор йўналишлари ҳисобланади.

Мутахассисларнинг фикрича, сўнгги йилларда Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеяси ва ихтисослаштирилган ташкилотлари ишида фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72, 75 ва 76-сессияларида, шунингдек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясининг Олий даражадаги сегментида маъруза қилди.

2017 йил июнь ойида БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг Ўзбекистонга ташрифи ва

Президент Шавкат Мирзиёев билан музокаралари бўлиб ўтган эди. Давлатимиз раҳбари 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида (АҚШ) ҳамда 2019 йил апрель ойида Пекин шаҳрида (Хитой) ўтказилган “Бир макон, бир йўл” 2-халқаро форуми доирасида БМТ Бош котиби билан учрашувлар ўтказди. Мазкур мулоқотлар натижасида Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режалари қабул қилинди ва улар амалга оширилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Бош Ассамблеянинг 72-сессияси умумий муҳокамаларидаги иштироки мамлакатимиз билан БМТ ўртасидаги самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқнинг янги босқичини бошлаб берди, десак, муболага бўлмайди. Ушбу тадбир давомида бир қатор муҳим халқаро ташаббуслар илгари сурилиб, улар сўнгги уч йил давомида муваффақиятли амалга оширилди.

Ўзбекистон етакчиси БМТ минбаридан туриб глобал ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари бўйича қатор муҳим халқаро ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси доирасида олти та резолюция ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида” (2018 йил июнь), “Маърифат ва диний бағрикенглик тўғрисида” (2018 йил декабрь), “Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш тўғрисида” (2019 йил декабрь), “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида” (2021 йил май), “Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича махсус” (2022 йил июль), “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида” ги



(2022 йил декабрь) резолюциялар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши доирасида Ўзбекистон ташаббуси билан “COVID-19 пандемиясининг ёшлар ҳуқуқларига таъсири тўғрисида”ги (2021 йил октябрь) ва ЮНЕСКО томонидан эса “Хива жараёни: Марказий Осиёда ҳамкорликни янада ривожлантириш”

(2021 йил 14 — 16 сентябрь, Хива) резолюциялари қабул қилинди.

Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган Пандемия давридаги давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги кодекс Ўзбекистоннинг COVID-19га қарши глобал курашга қўшган ҳиссаси сифатида БМТ Бош Ассамблеясининг расмий хужжати ўлароқ тарқатилди.



ГЛОБАЛ МУАММОЛАР БИРГАЛИКДА БАРТАРАФ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тожикистонда ўтказилган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг бешинчи Маслаҳат учрашувидида Марказий Осиёда барқарорлик ва бирдамлик мустаҳкамланаётганини, минтақамиз Фарби Шарқ ва Шимолни Жануб билан боғлайдиган транспорт хаби бўлишдек тарихий вазифани яна ўз зиммасига олаётганини таъкидлади. Ва аини чоғда, Президент иқтисодий, экологик ва гуманитар соҳаларда қатор ташаббусларни ҳам илгари сурди.

Муносабат

Эътиборлиси, давлатимиз раҳбари нутқида минтақада иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ таҳдидларга қарши курашишнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, келгуси йил Самарқандда Марказий Осиёдаги иқлим ўзгаришларига бағишланган халқаро форум ўтказилиши қайд этилиб, ушбу анжуманда минтақа мамлакатлари делегациялари фаол қатнашиш учун таклиф қилинди.

Форум яқунлари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик” деб номланган резолюцияси лойиҳаси тайёрланиши айтилди.

Дарҳақиқат, иқлим ўзгаришига қарши тезкор чора-тадбирлар мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш двигателига айланishi мумкин. Кейинги йилларда Марказий Осиё давлатларида кузатилаётган иқлим ўзгаришлари минтақада сув барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мам-

лакатларимизда қор ёғиши камайгани озик-овқат хавфсизлиги ва сув тақчиллигини юзга чиқариб, чўлланиш ҳамда туپроқ деградациясини тезлаштирмоқда ва биологик хилмаҳилликни камайтирмоқда.

Жаҳон банкининг 2021 йилда чоп қилинган “Groundswell” (“Тўққизинчи тўлқин”) ҳисоботида қайд этилган башоратга кўра 2050 йилга бориб, иқлим ўзгариши дунёнинг олти минтақасидаги 216 миллион кишини ўз мамлакатларининг бошқа қисмларига кўчишга мажбур қилиши мумкин.

Бу эса яқин истиқболда иқлимдаги ўзгаришларга нисбатан амалга оширилаётган глобал чораларни янада кучайтиришни, бунинг учун минтақадаги мамлакатларда иқлим ўзгаришига оид муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган илмий тадқиқотлар, ишланмалар ва интеллектуал фаолиятларни қўллаб-қувватлаш ҳамда раванқ топтиришни тақозо қилади.



КЕЛГУСИ ВАЗИФАЛАРНИ АКС ЭТТИРГАН МУҲИМ ДАСТУР

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилган кенг қамровли ислохотлар натижасида дунё ҳамжамиятида Янги Ўзбекистон деган демократик давлат бўй кўрсатди. Жамият ҳаётининг ҳар бир соҳаси бўйича бошланган ислохотлар янги Ўзбекистонни барпо этишда мустақкам пойдевор яратди.

Энг аввало, халқимизнинг ислохотларга бефарқ эмаслиги, ўзгаришларга бўлган умид ва ишончи ҳамда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси натижасида жаҳон ҳамжамияти эътироф этувчи қатор ютуқларга эришилди.

Мушоҳада

Ютуқлар салмоғини ошириш, келгуси ислохотларни белгилаб олиш мақсадида Президент Фармони билан “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тасдиқланди ҳамда уни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича қарор қабул қилинди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ижроси жараёнида орттирилган тажриба ва жамоат-

чилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган муҳим ҳужжатда қуйидаги асосий гоьлар акс эттирилди:

- барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш;
- аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш;
- қулай экологик шароитларни яратиш;
- халқ хизматидаги адолатли

ва замонавий давлатни барпо этиш;

— мамлакатнинг суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш.

Ривожланган демократик мамлакатларда халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш бош гоь саналади. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, одил судлов тизимини яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш, давлат бошқарувида фуқаролар иштирокини кучайтириш каби улуг гоьлар муҳассам.

Жумладан, одил судлов бўйича суд-ҳуқуқ тизимида сезиларли ўзгаришлар қилинади. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш ва унинг фаолиятида очиликни таъминлаш, адвокатура инстиутини ривожлантириш орқали одил судловга эришиш йўлидан ботилади.

Иқтисодиётнинг драйвери ҳисобланган тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда улар равнақи учун кенг имкониятлар яратиб бериш кўзланган. Хусусан, тадбиркорлик соҳасида жавобгарликни янада либераллаштириш мақсадида биринчи марта жиноят содир этган шахс давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, уни жавобгарликдан озод қилиш, тадбиркорлик субъектларига нисбатан кўзғатилган ҳар бир жиноят иши бўйича тадбиркор ҳимояси учун Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатасини жамоат ҳимоячиси сифатида жалб этиш (хабар қилиш) тартиби йўлга қўйилади.

Стратегия доирасида босқичма-босқич барча шаҳар ва туманларда “Маҳалла бюджети” тизимига ўтилади. Бунда туман ва ша-

ҳар бюджетларига тушадиган солиқ тўшумларининг бир қисми маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш жамғармаларига йўналтирилиши мумкин бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу муҳим хужжатда маҳалла институти имкониятларидан янада кенг фойдаланиш мақсад қилиб олинган. Бунда маҳаллани аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва ҳудудларда кундалик масалаларни ҳал этишда жамоатчилик ҳамда давлат органлари ўртасидаги “таянч кўприк”ка айлантириш гоьяси муҳассамлашган.

Бу борада маҳалланинг маблағларини аҳолининг овозига кўра, инфратузилма лойиҳаларига йўналтириш амалиётига ўтилади. Маҳаллаларда 100 дан ортиқ давлат хизматларини “бир қадам”да кўрсатиш йўлга қўйилади, ҳар бир маҳаллада “электрон хизмат нуқталари” ишга туширилади.



«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — БМТ:

УМУМИЙ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК



Ўзбекистон кўп томонлама ҳамкорлиkning янги руҳини қўллаб-қувватлаган ҳолда аъзо давлатлар билан биргаликда БМТ доирасида кейинчалик қабул қилиш учун Бош Ассамблеянинг бир қатор резолюциялари лойиҳаларини ишлаб чиқмоқда.

1993 йилдан бери Тошкентда БМТ ваколатхонаси фаолият юртяпти. Ўзбекистонда, шунингдек, “БМТ оиласи”ни БМТнинг Тараққиёт дастури (БМТТД), Аҳоли-шунослик жамғармаси (ЮНФПА), Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), Таълим, фан ва маданий ташкилоти (ЮНЕСКО), Наркотиклар ва жиноatchилик бўйича бошқармаси (БМТ НЖБ), Гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқларини кенгайтириш бўйича ташкилоти (БМТ-аёллар), БМТнинг Марказий Осиё учун пренентив дипломатия бўйича минтақавий маркази (МОПДММ), Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО), Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) ва БМТТД раҳбарлиги остидаги БМТ кўнгиллилар дастури тақдим этмоқда.

БМТнинг Санотини ривожлантириш ташкилоти (UNIDO), Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) ва Европа иқтисодий комиссияси (ЕИМК) каби ташкилотлар ҳам БМТ тизими фаолиятига ҳисса қўшмоқда. Жаҳон банки БМТ тизимининг мустақил иxtисослаштирилган муассасаси сифатида ташкилотнинг мамлакатимиздаги фаолиятига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

БМТнинг Ўзбекистонга ривожланиш мақсадларига кўмак бериш бўйича дастури ўрта муддатли истиқболда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш контекстида Ўзбекистон ҳукумати билан ўзаро ҳамкорлиkning самарали воситасидир.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган асосий вазифаларни амалга ошириш доирасида сўнгги йилларда Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги олий ва юқори даражадаги сиёсий aloқалар сезиларли миқёсда фаоллашди.

Ўзбекистон Афғонистонда афгон халқи бошига улкан офатлар олиб келган, бутун минтақа учун жиддий таҳдидлар манбаига айланган кўп йиллик қонли урушга чам қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатларга aloҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимиз БМТнинг Афғонистонни мижародан кейинги тикланиш дастурларини амалга оширишга самарали ҳисса қўшмоқда. Хусусан, Ўзбекистон — Афғонистон чегара ҳудудида халқаро гуманитар юкларни етказиб бериш учун кўприк очди,

шунингдек, Афғонистонда кўплаб инфратузилма объектларини барпо этишга кўмаклашиляпти.

Ўзбекистон халқаро ташкилотлар ва айрим давлатларга Афғонистондаги инсонпарварлик фаолиятини Термиз орқали амалга оширишда ҳам ҳар томонлама ёрдам берляпти. Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан Афғонистонга инсонпарварлик юкларини марказлаштирилган ва мақсадли етказиб беришни таъминлаш мақсадида Термиз шаҳрида Халқаро кўп функцияли транспорт-логистика хаби ташкил этилди. Унинг имкониятларидан БМТнинг қочқинлар бўйича Олий комиссари бошқармаси ва Жаҳон озиқ-овқат дастури ҳам кенг фойдаланмоқда.

2018 йил март ойда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси яқунлари юзасидан қабул қилинган Декларация ўша йилнинг апрель ойда БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши 72-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида эълон қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан Афғонистондаги вазиятнинг тинч йўл билан ҳал этиш бўйича олиб бориляётган саъй-ҳаракатлар ва Тошкент конференцияси ҳақида маълумот БМТ Бош қотибининг 2018 йил сентябрь ойда эълон қилинган “Афғонистондаги вазият ва унинг халқаро тинчлик ва хавфсизлик учун oқибатлари” маърузасига киритилди.

2022 йил июль ойда Тошкент шаҳрида Афғонистон бўйича конференция ўтказилиши ҳам Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатда барқарор тинчлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қўшган улкан ҳиссаси бўлди.

Айни пайтда БМТ доирасида Ўзбекистон Президентининг Афғонистон бўйича халқаро музокаралар гуруҳини тузиш ташаббусини илгари суриш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон билан БМТ ўртасида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик тобора фаоллашиб бормоқда. Бу борада Президент Шавкат Мирзиёев эътиборини яна бир ўткир ва зудлик билан ҳал этилиши зарур бўлган глобал муаммо — Орол фожиасига қаратиб, жаҳон ҳамжамиятининг сай-ҳаракатларини “ушбу экологик ҳалокатнинг Марказий Осиёда яшовчи миллионлаб одамларнинг ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш ва Оролбўйи минтақасидаги табиий ҳамада биологик мувозанатни сақлашга” қаратишга қаратмоқда.

Ўзбекистон Президентининг Бош Ассамблея 72-сессияси умумий муҳокамаларида илгари сурган ташаббусига мувофиқ, 2018 йилда БМТ

шафелигида Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ташкил этилди. Унинг тақдими 2018 йилнинг ноябрь ойда ташкилот Бош қотиби Антониу Гутерриш иштирокида ташкилот штаб-квартирасида бўлиб ўтди.

Тақдимот чоғида БМТ раҳбари таъкидлаганидек, “ушбу тузилма маҳаллий аҳоли турмуш шароитини сезиларли даражада яхшилайдиги ва Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишга ҳисса қўшади”.

Мамлакатимиз ташаббуси билан БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида 2019 йилнинг 24-25 октябрь кунлари Нукус шаҳрида Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш бўйича юқори даражадаги халқаро конференция уюштирилди. Унда 28 давлатдан 250 га яқин иштирокчи, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари қатнашди.

2019 йил 19 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг ялпи мажлисида “Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш” махсус резолюциясини қабул қилди. Ушбу ташаббус

“Мамлакатимиз саъй-ҳаракатлари БМТ раҳбарияти ва аъзо давлатлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда. Чунки Ўзбекистон томони илгари сураётган ташаббуслар глобал ташкилотнинг глобал мақсадларига, жумладан, сайёрамизда тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш бўйича Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ мос келади.”

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил апрель ойда Пекин шаҳрида БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш билан бўлиб ўтган учрашув чоғида илгари сурилган эди. Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ва Марказий Осиёнинг бешта давлати номидан тақдим этилган мазкур ҳужжат лойиҳаси БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Ҳужжатга Шимолий ва Лотин Америкаси, Осиё, Африка ва бошқа қитъаларнинг 50 дан ортиқ давлатлари ҳаммуаллифлик қилгани Ўзбекистон раҳбари ташаббусининг долзарблиги халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилганидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ўзаро ҳамкорлигида диний бағрикенгликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, ёшлар ҳаёти билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этишга aloҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган 72-сессиясида Бош Ассамблеянинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Президент Шавкат Мирзиёев БМТнинг юксак миёнбаридан туриб сўзлаган нутқида Ўзбекистон тақлиф этаётган резолюциянинг асосий мақсади “барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат” эканини таъкидлади. Ҳужжат “бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг

ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашиш”га қаратилган.

Жамиятнинг барча жабҳасида рўй бераётган чуқур ўзгаришларга мувофиқ, Ўзбекистон илк бор 2021 — 2023 йиллар учун БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши (ИХК)га ўз номзодини илгари сурди ва кўпчилик давлатлар ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги энг нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги кейинги йилларда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани aloҳида эътиборга лойиқ. 2018 йилда Парижда, 2019 йилда Самарқандда ва 2022 йилда Тошкентда Президент Шавкат Мирзиёев ва ЮНЕСКО бош директори Одри Азуленинг учрашувлари бўлиб ўтди.

2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорлигида Тарихий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича Халқаро маслаҳат қўмитаси тузилди. Ўша йили Хивада Ўзбекистон ташаббуси билан ЮНЕСКО билан ҳамкорлигида “Марказий Осиё — жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” халқаро маданий форуми ташкил этилди. Мазкур форум нати-

жасида ишлаб чиқилган “Хива жараёни: Марказий Осиёда ҳамкорликни янада ривожлантириш” резолюцияси ЮНЕСКО бош конференциясининг 2021 йил ноябрдаги 41-сессиясида бир овоздан қабул қилинган эди. 2022 йил июль ойда Ўзбекистон тарихда биринчи марта 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Номаддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмита аъзоси бўлди. 2022 йилнинг 14 — 16 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле, 150 га яқин давлатлар вакиллари ва халқаро ташкилотлар расмийлари иштирокида ЮНЕСКОнинг Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича иккинчи Бутунжаҳон конференцияси ўтказилди. 2023 йил 10 — 24 май кунлари Париж шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 216-сессияси яқунлари бўйича “Тошкент декларациясини амалга ошириш ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг болалар тарбияси масалалари умумбаъорий тараққиётга эришишнинг муҳим омил экани тўғрисида”ги резолюцияси бир овоздан қабул қилинди.

Шу кунга қадар ЮНЕСКОнинг Инсониятнинг номаддий маданий мероси репрезентатив рўйхатидаги ўзбек маданиятининг 12 элементи киритилган. Жумладан, “Шашмаком”, “Бойсун маданий муҳити”, “Катта ашула”, “Аския”, “Палов ва ош билан боғлиқ аънава ва қадриятлар”, “Наврўз”, Атлас ва адрас тайёрлашнинг аънавий техноло-

гияларини сақлаш бўйича Марғилон хунармандчиликни ривожлантириш маркази, “Лазги”, “Миниатюра санъати”, “Бахшичилик”, “Ипакчилик ва тўқув учун аънавий ипак ишлаб чиқариш” ҳамда “Хўжа Насриддин ҳақидаги латифаларни тақдорлаш аънавалари” каби элементлар Инсониятнинг номаддий маданий мероси репрезентатив рўйхатидан ўрин олган.

Мамлакатимизда халқаро туризм фаол ривожланмоқда. Бунда Ўзбекистон 1993 йилда аъзо бўлган БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) билан ҳамкорлиги муҳим ўрин тутди. Самарқанд шаҳрида Буюк Ипак йўлида туризмни ривожлантириш бўйича ЮНВТО минтақавий маркази фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрида “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети ташкил этилган бўлиб, у энг машҳур ва нуфузли олий таълим муассасаларидан бири ва Ўзбекистонда туризм соҳасидаги биринчи университет ҳисобланади.

Жорий йилнинг 16 — 20 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ЮНВТО бош ассамблеясининг 25-сессияси бўлиб ўтади.

Шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларга қарши кураш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, миллий соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш соҳаларида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистон ва ЖССТ ўртасидаги ҳамкорлик асослари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси ўртасидаги икки йиллик ҳамкорлик шартномаси ҳисобланади.

Ўзбекистон делегациялари Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси ва ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси сессияларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

2021 йилдан буён ЖССТ мамлакатга соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва уни таъриба ҳудуди (Сирдарё)да синовдан ўтказиш, жумладан, давлат тиббий сугуртасини жорий этишда кўмаклашувчи етакчи ташкилот ҳисобланади. Сўнгги йилларда БМТ Болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги фаолияти ҳам сезиларли даражада фаоллашди. 2022 йил ноябрь ойда Тошкент шаҳрида “Замин” халқаро жамоат фонди билан ҳамкорликда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишланган “Болаларнинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш” форуми муваффақиятли ўтказилди.

2021 йил 11 февраль куни Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган ЮНИСЕФ Ижроия кенгаши сессиясида жамғарманинг Ўзбекистон бўйича 2025 йилгача бўлган янги ҳамкорлик дастури тасдиқланди. Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) Ўзбекистонда аҳоли ва репродуктив саломатлик соҳасидаги дастурларни амалга оширишда БМТ тизимида муҳим ўрин тутди. Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича жамғарма билан самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги босқичда ЮНФПанинг бешинчи мамлакат дастури уда-ланыпти, унинг доирасида репродуктив саломатлик бўйича турли тренинглар, семинарлар, конференциялар ўтказилмоқда. Мамлакатимизда аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этиляпти, шунингдек, клиник протоколларни янгиллаш, тиббиёт муассасаларини модернизация қилиш, мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

2022 йил ноябрь ойда ЮНФПА билан ҳамкорликда республикада аҳоли масалалари, демографик фан ва тадқиқотларни ривожлантириш бўйича давлат органларининг салоҳиятини ошириш мақсадида Демографик лаборатория ишга туширилди.

Ўзбекистон билан БМТнинг Гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган — “БМТ-аёллар” ташкилоти ўртасида ўзаро ҳамкорлик самарали кечаётир. Мазкур тузилма билан биргаликда гендер ва ёшлар масалаларига бағишланган халқаро форум ҳамда конференциялар мунтазам ташкил этиляпти, иxtисослаштирилган йўналишларда лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларини хар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Ўзбекистонда кейинги йилларда муносиб меҳнат учун шарт-шароит яратиш, мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам бериш, ишчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси борасида эришилган ютуқларни юксак баҳолайди. Мамлакатимизда ХМТнинг 20 та конвенцияси, жумладан, 10 та асосий конвенциядан 9 таси ратификация қилинган. ХМТ тавсияларини инобатга олган ҳолда “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Конун ва Меҳнат кодексининг янги таҳрирлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Айни пайтда меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ёшлар, аёллар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун таълим, бандлик ва муносиб меҳнат имкониятларини кенгайтириш каби йўналишларни ўз ичига олган “Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган янги мамлакат дастури” амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) мамлакатимизнинг муҳим ҳамкорларидан бирига айланди. Айни пайтда Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги aloқаларни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва у амалга ошириляпти. ХМТ билан биргаликда республикада меҳнат миграцияси, чегараларни бошқариш, одам савдосига қарши курашиш, меҳнат мухожирларини ёллаш бўйича мутахассислар малакасини ошириш сингари лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляётир.

Қисқача айтганда, мамлакатимиз саъй-ҳаракатлари БМТ раҳбарияти ва аъзо давлатлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда. Чунки Ўзбекистон томони илгари сураётган ташаббуслар глобал ташкилотнинг глобал мақсадларига, жумладан, сайёрамизда тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш бўйича Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ мос келади.

Барқарор тинчликнинг фаол тарафдори ва халқаро майдонда ҳамкорликни хар томонлама кенгайтириш ташаббускори сифатида Ўзбекистон БМТ ва унинг иxtисослаштирилган тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликка доимо катта эътибор қаратиб келади.

Албатта, Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбарларининг жаҳон форумидаги иштироки Ўзбекистонда умуминсоний барқарор тараққиёт йўлида замонамизнинг глобал муаммоларини ҳал этишга хизмат қиладиган янги муҳим гоъ ва ташаббусларни илгари суриш имконини беради.

«Дунё» АА.

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ БИЗНЕС ФОРУМИДА ЎНДАН ОРТИҚ ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Бу 2017 йилдаги кўрсаткичдан икки баробар кўп. Автомобиль ишлаб чиқариш — “General Motors”, қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш — “John Deere”, “CNH”, газ қазиб олиш — “Air Products”, қишлоқ хўжалиги — “Silverleaf” ва бошқа соҳаларда муваффақиятли одимлар қузатилмоқда.

Шу билан бирга, тоғ-кон саноати, кимё ва энергетика тармоқлари, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, электроника, ахборот технологиялари син-

гари қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг энг истиқболли йўналишлари белгиланди. Юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва учинчи давлатларга экспорт қилиш бўйича қўшма корхоналар ташкил этишда катта имкониятлар мавжуд.

Икки давлат ўртасидаги ишбилармонлик aloқаларини фаоллаштириш муҳимлиги, барча қўшма лойиҳа ва ташаббуслар давлат томонидан хар томонлама қўллаб-қувватланиши қайд этилди.

Тадбир давомида глобал рақобат, таъминот занжири барқарорлигини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, инновацияларни рағбатлантириш, стратегик прогностлаш, хусусийлаштириш ва молиявий-техник ҳамкорлик масалалари бўйича aloҳида сессиялар ўтказилди.

Бизнес форуми иши Ўзбекистон ва АҚШ вазирликлари, идоралари, тармоқ бирлашмалари ва етакчи компаниялари раҳбарларининг “G2B” ва “B2B” форматидаги учра-

шувлари билан давом этди. Иштирокчилар қўшма корхоналар ташкил этиш ва ўзаро манфаатли савдо шартномаларини тузиш масалаларини атрофлича муҳокама қилишга муваффақ бўлди.

Тадбир якунида энергетика, машинасозлик, АКТ, қишлоқ хўжалиги, молиявий-техник ва илмий-техник ҳамкорлик, тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби соҳаларда 12 та ҳужжат имзоланди.

ЎЗА.

ГЛОБАЛ МУАММОЛАР БИРГАЛИКДА БАРТАРАФ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ

Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистонда қайта тикландиган энергия манбаларини ривожлантириш ва метан чиқиндиларини камайтириш борасида баҳариллаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш ҳам иқлим ўзгаришининг oқибатларини юмшатишга хизмат қилади.

Президентимиз минтақанинг иқлимга оид ягона кун тартибини шакллантириш ва биргаликда таъсирчан чора-тадбирларни қабул қилиш учун экология вазирлари даражасида “Иқлим бўйича Марказий

Осиё мулоқоти” кўп томонлама платформасини таъсис этиш таклифини илгари сургани бежиз эмас.

Умуман, иқлим ўзгариши биргина давлатда учраётган муаммо эмас, уни бир мамлакат доирасида хал қилиб ҳам бўлмайди. Кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантирсак, бу жараёнга илмий асосланган ҳолда ёндаша олсак, қутиладиган натижа сари залварли қадам қўйган бўламиз.

Зўлайё АҚРАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

АКАДЕМИК НАИМ КАРИМОВ

Ўзбекистон илм-фани ва адабиёти оғир жудоликка учради. Филология фани соҳасида атоқли олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Наим Каримов шу йил 17 сентябрь куни 91 ёшида вафот этди.

Н. Каримов 1932 йил 12 декабрда Тошкент шаҳрида туғилди. 1955 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)ни тамомлаб, ушбу олий таълим муассасасининг аспирантурасида тахсил олди.

Ўз меҳнат фаолиятини 1958 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти (ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти)да кичик илмий ходим сифатида бошлаган заҳматкаш ва фидойи олим кўп йиллик илмий-ижодий фаолияти давомида мазкур институтда катта ва етакчи илмий ходим, бўлим мудирини вази-фаларида ишлади. 1962 йилда номзодлик, 1993 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2002 — 2008 йилларда “Шахидлар хотираси” хайрия жамғармаси раиси ҳамда “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи раҳбари, 2008 йилдан ушбу музейнинг етакчи илмий ходими сифатида самарали меҳнат қилиб, мамлакатимизда илм-фан ва таълим соҳаларини ривожлантириш, юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашга салмоқли ҳисса қўлди.

Н. Каримов XX аср ўзбек адабиёти-ни ўрганиш бўйича кенг қамровли фундаментад тадқиқот ва изланишлар олиб бориб, ушбу йўналишда ўзига хос мактаб яратди. Хусусан, маърифатпарвар жадидаларнинг ҳаёти ва фаолияти, XX аср ўзбек адабиётининг атоқли намоёндалари ижодига бағишланган кўплаб монография ва тадқиқотлари, маърифий романилари ҳамда мингдан ортиқ илмий мақолалари, қатор дарс-лик ва ўқув қўлланмалари адабиётшу-нослик фанига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик са-марали хизматлари учун 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ, С. САЙДОВ

КЕЛГУСИ ВАЗИФАЛАРНИ АКС ЭТТИРГАН МУҲИМ ДАСТУР

Шунингдек, келгуси йиллар учун белгиланган мақсадлар до-ирасида давлат бошқаруви органлари фаолиятини “Халқ хизматидаги давлат” тамойили асосида соғлиқни сақлаш, қурилиш, транспорт, таълим соҳаларида хусусий сектор улуши бир неча баро-барга оширилади.

Давлат бошқарувини номарказлашти-риш сиёсати давом эттирилиб, унинг до-ирасида республика ижро ҳокимияти органларининг камда 30 фоиз вазифа ва функциялари маҳаллий ижро орган-ларига ўтказилади. Шу билан бир қатор-да, давлат органлари раҳбарларининг ўзи раҳбарлик қилаётган идора ёки тизим фаолиятида йўл қўйилган жиддий ҳато ва камчиликлар учун сиёсий жавобгар-лиги институти жорий этилади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида парламент ислохотлари изчил равишда амалга оширилиши белгиланган. Мақсад-лар доирасида парламент ва унинг органлари иш жараёнлари рақамли трансформация қилинади. Қарорлар им-золаниши ва жамоатчиликка etkazили-ши тўлиқ рақамлаштирилади. Шунингдек, сайловчилар билан электрон мулоқотта киришиш, депутат сўровини электрон тарзда юбориш ва назорат қилиш имко-нияти яратилади.

Парламент ҳақида сўз борар экан, унинг фаолияти қонун ижодкорлигига

боғланади. Норма ижодкорлиги фаоли-ятининг ислохотлар билан йўғунлигини таъминлаш ва давлат ҳуқуқий сиёсати-нинг институционал асосларини ривож-лантириш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Унда қонунчилик ҳужжатла-рини мақбуллаштириш, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунлар яратиш ама-лиётини кенгайтириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга со-лиш таъсирини баҳолаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг аниқ чегараларини белгилаш вазифа-лари устувор аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, ушбу белгиланган устувор мақсад ва вазифалар парламент аъзо-ларига яна бир қарра улкан масъулият юклайди. Халқ вакиллари сифатида маз-кур топшириқлар ижроси ўз вақтида си-фатли бажарилишини таъминлашда кўмаклашиш зарурати Сенат аъзолари-нинг кундалик вазифасига айланади. Миллий тараққиётимизнинг муҳим пал-ласида барчамиз мамлакатимиз ривож-и ва халқимизнинг фаровон ҳаётини таъ-минлаш йўлида “бир ёқадан бош чиқар-моғимиз” мақсадга мувофиқ бўлади.

Шухрат ЧЎЛЛИЕВ, Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари.



Олимнинг мустабид тузум йиллари-да қатагон этилган фидойи зиёлила-римизнинг ибратли ҳаёти ва фаоли-ятини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг илмий-маърифий меросини омма-лаштириш борасидаги хизматлари на-фақат юртимизда, балки хорижий мам-лакатлар илмий жамоатчилиги томо-нидан ҳам эътироф этилган.

Серқирра олим жаҳон адабиётининг бир қатор сара асарларини ўзбек ти-лига маҳорат билан таржима қилиш баробарида, тарихий мавзуларда йи-гирмага яқин ҳужжатли фильмларни яратишда ҳам фаол иштирок этди.

Унинг бевосита раҳбарлигида кўплаб фан номзодлари ва докторлари тайёрланган.

Академик Н. Каримовнинг мамлака-тимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби”, “Ўзбекистон Республикасида хиз-мат кўрсатган ёшлар мураббийси” фах-рий унвонлари, “Эл-юрт ҳурмати” ор-дени ҳамда Ўзбекистон Республикаси-нинг Давлат мукофотларига сазовор бўлган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Наим Каримовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСЪУЛИЯТИ

Президентимизнинг Фарғона, Тошкент, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида таширфлари давомида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда инвестицияларни жалб этиш, саноат ва тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли фойдаланиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, озик-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан кафолатли таъминлаш бўйича муайян чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Сессия

Шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлар жойларда ўрганишлар олиб бормоқда. Худудларда ўтказилаётган халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг сессияларида давлати-миз раҳбари томонидан илгари су-рилган вазифалар ижроси билан боғ-лиқ масалалар атрофича таҳлил қилиниб, зарур чоралар белгилаб олинган.

Озиқ-овқат хавфсизлиги — доимий эътиборда

Халқ депутатлари Дўстлик тумани Кенгашнинг навбатдаги сессия-сида депутатлар дастлаб кун тарти-бидаги биринчи масала юзасидан туман ички ишлар бўлими бошлиғи Ш. Қосимовнинг ахборотини эшитди.

Таъкидланганидек, содир этилаёт-ган ҳар бир жиноят мутасадди идо-ралар раҳбарлари иштирокида ма-ҳаллаларда кенг муҳокама қилинмоқ-да. Худуддаги криминоген вазияти оғир бўлган — “қизил” ва “сарик” то-ифага киритилган маҳаллаларни “яшил” тоифага ўтказиш масалала-рига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Сессия ййгилишида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ри-вожлантиришнинг 2020 — 2030 йил-ларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларнинг Дўстлик туманида бажарилиши ҳолати юза-сидан туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари М. Аллашов ахборот берди.

Депутатлар бугун озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ошаётгани, аҳоли сони ўсиши асно-сида жон бошига истеъмол кўпаяёт-ганини қайд этиб, бу борада ўз вақ-тида зарур чоралар қўриш лозимли-гини таъкидлади. Ернинг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари си-фати ва экспорт салоҳиятини оши-ришга қаратилган қатор тавсиялар берилди.

Сессияда кун тартибидаги навбат-даги масала юзасидан туман ҳоки-ми ўринбосари М. Суянованинг ахбороти тингланди.

Таъкидланганидек, Дўстлик туман-ида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйи-ча тизимли ишлар бажарилмоқда. Ху-сусан, жорий йилнинг ўтган даврида 1 200 дан зиёд янги иш ўринлари яратилган.

Депутатлар бу борадаги саъй-ҳаракатлари эътироф қилиш билан бирга, айрим камчиликлар учраётга-нини ҳам қайд этди. Аҳолининг иш-чанлик фаоллигини ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш ор-қали уларни доимий иш билан таъ-

минлаш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Сессия ишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўрин-босари Алишер Қодиров қатнаши-да мамлакатимизда бу йил амалга оширилган конституциявий ислохот-лар, “Ўзбекистон — 2030” стратегия-сининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида тўхталди.

Муҳокама этилган масалалар юза-сидан халқ депутатлари туман Кен-гашнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Таъсирчан механизмлар қўлланилади

Халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашнинг навбатдаги сессияси-да кейинги йилларда аҳолини иш би-лан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, маҳаллабай ишлаш тизими-



ни янги босқичга олиб чиқиш орқа-ли камбағалликни қисқартириш мам-лакатда олиб борилаётган ислохот-ларнинг бош мезонига айлангани қайд этилди. Ўтган қисқа даврда бу борада Урганч шаҳрида ҳам муайян ишлар амалга оширилганига ургу берилди.

Депутатлар ёшлар ва хотин-қиз-ларнинг бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни ижобий баҳолаш билан бирга, ҳудуд-да тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш учун катта имкониятлар борлигини қайд этишди. Шунингдек, аҳоли бандлигини ошириш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Сессия кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Урганч шаҳар ички ишлар бўлими бошлигининг ахбороти тингланди.

Қайд этилганидек, шаҳарда ёшлар, айниқса, вояга етмагандар-ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, баркамол шахс этиб вояга etkaziш учун барча зарур шарт-шароитни яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинлик-ларини таъминлашга оид чора-тад-бирлар бажарилмоқда. Афсуски, ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларга қарамай жиноятчилик сони ошмоқда.

Депутатлар юзага келган салбий ҳолатларни чуқур таҳлил қилиб, жи-ноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан чо-



ралар қўриш бўйича қатор таклиф-ларни илгари сурди.

Сессияда Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари З. Ибрагимова ва қўйи палата депутатлари ишти-рок этди ҳамда янги тахрирдаги Конституция, унинг мазмун-моҳияти ҳақида атрофича маълумотлар берилди.

Муҳим таклифлар илгари сурилди

Халқ депутатлари Каттакўрғон шаҳар Кенгашнинг навбатдаги сессиясида депутатлар кун тартиби-даги масалалар юзасидан Каттакўр-ғон шаҳар ҳокими ҳамда шаҳар ички ишлар бўлими бошлигининг ахборот-ларини эшитди.

Таъкидланганидек, мазкур ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярим йилли-гида 5 815 та иш ўрни яратилган. Оилавий тадбир-корликни ривожлантириш дастурлари доирасида 1 минг 78 нафар фуқарога 19,8 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жиноятчиликни жилов-лаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олди-ни олиш борасида ҳам қатор ама-лий ишлар олиб боришмоқда.

Сессияда йўл қўйилаётган суст-кашлик ва камчиликлар таҳлил қилинди. Хусусан, шаҳар бўйича жо-рий йилнинг ўтган 7 ойи давомида барча йўналишдаги жиноятлар ўтган йилнинг мос давридагидега нисбатан 1,3 фоизга кўпайган. Олиб боришган профилактик тадбирларга қарамас-дан, айрим олди олиниши мумкин бўлган жиноят турлари ошишига йўл қўйилган.

Депутатлар томонидан маҳалла-ларда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича белгиланган вазифалар иж-роси етарли даражада таъминлан-магани қайд этилиб, профилактика инспекторларининг масъулиятини кучайтириш, жиноятларни ўз вақти-да фож этиш борасидаги тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Ййгилишда куз-қиш мавсумига таёйёрликлар юзасидан ҳам ахборот берилди.

Сессия ишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўрин-босари Улуғбек Иноятлов иштирок-этди ҳамда Президентимиз Фармо-ни билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг мазмун-мо-ҳиятига алоҳида тўхталди.

Муҳокамадаги масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айланади

Халқ депутатлари Оқдарё тумани Кенгашнинг навбатдаги сессия-си бўлиб ўтди. Кун тартибидаги маса-лалар юзасидан Оқдарё тумани ҳоки-ми, туман прокурори, ички ишлар бўли-ми, тиббиёт бирлашмаси бошлиқлари-нинг ҳисоботлари тингланди.

Таъкидланганидек, 2023 йилнинг ўтган даврида туманни “ишсизлик-дан ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш” мақсадида 19 минг 101 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган. Ҳоким ёрдамчилари кўмағида 841 нафар ишсиз фуқаро “Ишга марҳамат” мономаркази ва бошқа нодавлат таълим муассасала-рида касбга ўқитилмоқда.

Туманда қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш, шу-нингдек, 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумига таёйёрлик қўриш, объект-ларда қуёш панеллари ва қуёш сув иситиш коллекторлари ўрнатиш ҳамда иқтисод қилинган энергия ресурслари-ни истеъмолчиларга, биринчи навбатда, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига йўналтириш мақсадида қатор ишлар амалга ошириляпти.

Депутатлар ушбу масалалар би-лан бирга, куз-қиш мавсумига таёйр-гарлик жараёнлари билан боғлиқ муаммоларни зудлик билан бартараф этиш, газ ва электр таъминотидаги етишмовчиликларни қоплаш учун хо-надонларга замонавий “горелка”лар ўрнатиш, ижтимоий соҳа объектла-рини табиий газдан қўмирга ўтказиш ишларини жадаллаштириш лозимли-гини қайд этди.

Сессияда туманда Президентимиз томонидан белгилаб берилган мақ-сад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда жиноятчиликни жиловлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тизимли иш олиб борилаёт-гани таъкидланди.

Ўтган даврда бу борада амалга оширилаётган ишларга қарамай айрим камчиликларга ҳам йўл қўйил-ган. Хусусан, умумий жиноятлар 26,2 фоизга ошган. Соди-р этилган жиноятларнинг 20,8 фоизини маҳал-ла ҳудудида олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар ташкил қилади.

Депутатлар жиноятларни камайти-риш ва олдини олиш учун профи-лактика инспекторларининг масъули-ятини кучайтириш, жиноятларни ўз вақтида фож этиш борасидаги су-риштирувлар самарадорлигини оши-риш юзасидан таклифларни илгари сурди.

Сессияда муҳокама этилган маса-лалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

Сув ресурслари:

ИНСОНИЙ БУРЧ ВА ЖАВОБГАРЛИК

Машҳур океаншунос Жак Ив Кусто “Ер — ҳаммамизнинг умумий уйимиз, сув эса танамизнинг қони” деган эди. Биомиметик, томирдаги қон микдори камайса ё таркиби бузилса, организм касалликка чалиниб, оғир аҳволга тушади. Ҳозир бутун Ер юзидида, хусусан, Ўзбекистонда сув ресурсларига эҳтиёткорлик билан ёндашиш масаласи кун тартибида турибди. Бу борада мамлакатимизда қатор чора-тадбирлар татбиқ этилиб, сув ресурслари билан боғлиқ турли сценарийлар ишлаб чиқилмоқда.

Фикр

Кейинги йилларда юртимизда ҳам сувдан оқилона фойдаланиш, унинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолини ҳисобга олишнинг замонавий инновацион тизимларини жорий этиш бўйича



комплекс чора-тадбирлар қўри-моқда.

Урни келганда айтиш керак, мамла-катимиз олдида турган истиқболдаги муҳим қадамлар белгилаб берилган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг алоҳида йўналиши сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилгани Ўзбекистон Экологик партиясидан сайланган де-

путат сифатида шахсан мени жудам қувонтирди.

Мазкур ҳужжатга қўра, кейинги етти йилда сув ишлатиш самарадорлигини 25 фоизга ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларини сўғирмошда сув тежайди-ган технологиялар билан қамраб олин-ган ерларнинг умумий майдонини 2 млн. гектаргача, шу жумладан, том-чилатиб сўғориш технологияси жорий

этилган далаларни 600 минг гектарга-ча etkaziш кўзда тутилди. Шунингдек, республиканинг узоқ мuddатга мўлжал-ланган сув ресурслари балансини ишлаб чиқиш ва унинг устидан доимий мониторинг ўрнатиш тизимига ўтиш назарда тутилгани экологияга, табиатга меҳри банд бўлган эколог-лар, жамоатчиликни бефарқ қолдир-маслиги аниқ.

Маълумки, ер ости сув захиралари кўп йиллар давомида шаклланади ва улардаги ресурс чеклангандир. Мута-хассислар ҳулосасига қўра, тасдиқлан-ган микдордан ортиқча олиш сув сат-ҳининг пасайиб кетишига ва захира-ларнинг бир неча йил ичида тугашига олиб келиши мумкин. Оқибатда ичим-лик суви манбаси бўлган қудуқлар қурийд-и ва катта маблағ ҳисобига қурилган иншоотлар сув бермай қўяд-и.

Шу сабабли Президентнинг 2022 йил 7 декабрдаги қарорига мувофиқ, рес-публикада ер ости сувларидан фойда-ланиш ва қудуқ бурғилиш тизимини та-комиллаштириш, ер ости сув ресурслари-ни муҳофаза қилиш бўйича назо-ратни кучайтириш, аҳоли орасида сув-дан оқилона фойдаланиш маданияти-ни кенг тарғиб этиш, ер ости сувлари-нинг камайиши ҳамда ифлосланиши-

нинг олдини олиш мақсадида те-гишли ишлар ташкил қилинган.

Мазкур қарор билан ер ости сув-лари сатҳи ва захиралари камайиб кетаётган 23 та туманда қудуқлар бурғилашга мораторий жорий этил-ган. Бунда уларда ер ости сувлари сатҳи 5 — 15 метр тушиб кетгани ино-батга олинган. Муаммони бартараф этиш учун қудуқлардаги чўйма насос-ларни 5 — 15 метр чуқурроқ туши-риш учун қўшимча сув қуворларини жойлаштириш, амалдаги насослар босимини 10 — 15 метр юқори на-сосларга алмаштириш ва ҳар бир қудуққа қўшимча 15 — 30 метр ка-бель тортиш ҳамда тегишли идора-лар томонидан сув захиралари камай-ган ер ости сув конларини қайта ба-ҳолаш ишлари бошлаб юборилган.

Шу билан бирга, сувдан фойда-ланиш маданиятини болалар ораси-да тарғибот қилиш мақсадида 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар учун мўлжалланган журналлар ўзбек (“Томчиёй”) ва рус (“Капелька”) тил-ларида таёйёрлиб чоп этилди. Рес-публикадаги умумтаълим мактабла-рида ичимлик суви истеъмолини яна-да яхшилаш ва обихаётни асрашни тарғиб қилиш мақсадида очик дарс-лар, жумладан, “Water time” дастури ташкил этилди.



Мухтасар айтганда, Ўзбекистон — дунёдаги энг қуроқчил мамлакатлар-дан бири. Худудимизнинг катта қисми чўл зонасида жойлашган, мамлакатда-ги дарё ва қўллар йирик халқаро сув омборлари билан боғланган бўлиб, улардан бошқа давлатлар ҳам фойда-ланади. Шундай экан, сув ресурслари-га эҳтиёткорона муносабатда бўлмасак, ҳавзаларнинг камайиб кетиши ва ифлосланиши давом этиши мумкин. Бу эса экологик ҳолатга салбий таъ-сир кўрсатади. Шу боис сув ресурслари-дан унумли фойдаланиш ва уни асраб-авайлаш муҳим зарурат. Акс ҳолда келажақ авлод бу муҳим ресурс-дан маҳрум бўлиши мумкин.

Наврўз ЮСУПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ФАРОВОНЛИКНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛ

Бугунги шиддатли даврда электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг тўла қаноатлантирилиши тараққиётнинг муҳим таянчи, мамлакат инвестициявий жозибадорлигининг асосий шarti ҳисобланади.

Шу боис сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан энергетика

тармоғи қувватларини реконструкция ҳамда замонавий тежамкор технологияларни жорий этган ҳолда модернизация қилиш устуворлик касб этмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакат электр энергияси таъминотида ахлит занжирнинг барқарорлиги, иқтисодиёт субъектларининг бир маромда ишлашини таъминлайди.



478 мВт электр ва 43 Гкл иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилиши кутилмоқда. Бу 1,5 млн. аҳолининг электрга ва Навоий шаҳри хонадонларининг иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжига тенг, демекдир.

Таъкидлаш жоизки, электр энергияси наинки саноат ва халқ ҳўжалиги тармоқларини ҳаракатлантирувчи қувват, балки ҳар бир мамлакат аҳолисининг турмуш

фаровонлигини таъминловчи ва белгиловчи омил ҳамдир. Шу боис мамлакатимиз энергетикаси тизимидаги барқарорлик эртанги кунга ишончни орттириш баробарида, кўнгилларга ғурур ва бугунги янгиланишлардан мамнунлик ҳиссини бахш этади.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Тараддуд

Мазкур занжирнинг муҳим ҳалқаларидан бири бўлган — «Навоий иссиқлик электр станцияси» АЖда амалга оширилган инвестициявий лойиҳа, буғ-газ қурилмаларининг ўрнатилиши билан мамлакатимиз энергетика тармоғида илк бор замонавий технологияларга асосланган бошқарув тизимлари жорий этилди. Энг муҳими, аънавий технологияда 1 киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 400 ва танан ортқ грамм шартли ёқилғи сарфланган бўлса, замонавий буғ-газ қурилмалари тўғйали бу хара-

жат 234-235 граммга қадар пасайтирилди.

Шундай қурилмалардан бири — 1-буғ-газ қурилмаси 2012 йилда бунёд этилган бўлиб, лойиҳа Япониянинг «Mitsubishi Corporation and MHPS» компаниялари консорциуми томонидан амалга оширилган эди.

Бугун қуввати 478 мегаватт бўлган мазкур қурилмада 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш дастури доирасида буғ-газ турбиналари ҳамда механик энергияни электр энергиясига айлантириб берувчи генераторларда мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Унга Кунчиқар юрт му-тахассислари ҳам жалб этилган.

— Буғ-газ қурилмасини таъмирлаш ишлари катъий белгиланган жадвал асосида олиб борилмоқда, — дейди япониялик муҳандис Харуки Инао. — Унга кўра мукамал таъмирлаш ишларини жорий йил октябрь ойининг учинчи ўн кўнлигида якунлаймиз.

Мавсумга тайёргарлик доирасида станциянинг 4-энергия бло-гида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур блок бир суткада 11 млн. 472 минг кВт-соат электр ҳамда 1 минг 32 Гкл иссиқлик энергияси ишлаб чиқаради. Акциядорлик жамияти бош муҳандиси ўринбосари Нурали Пирназаровнинг таъкидлашича, таъмирлаш ишлари тугаганидан сўнг қувват ошиб,

СУВСОЗЛАРГА МАХСУС ТЕХНИКАЛАР БЕРИЛДИ

Жаҳоннинг нуфузли молиявий муассасаларидан бири — Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, шаҳар ҳамда қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантиришдаги иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Буни Наманган вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Модернизация



Вилоят ҳокимлигида банкнинг Марказий Осиё бўйича ҳудудий директори Жужанна Харгитай бошчилигидаги делегацияни қабул қилиш чоғида минтақага жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳамда ташкил қилинган ҳамкор корхоналар, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг Наманган вилояти иқтисодиётида тутган ўрни, шунингдек, маҳаллий ялпи ички маҳсулотдаги улуши, ҳудуднинг туризм салоҳияти ҳақида сўз борди.

Наманган вилояти ҳокими иштирокидаги ушбу учрашувда умумий қиймати 159,7 млн. АҚШ доллари-

ни, жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит маблағлари — 130 млн. доллари ташкил этувчи «Наманган вилоятида сув таъминоти ва канализация тизимларини модернизация қилиш» ва «Наманган вилояти Чуст, Поп, Наманган туманлари ичимлик суви таъминотини яхшилаш ва Чуст ҳамда Мингбулоқ туманларида канализация тизимларини қуриш» лойиҳалари бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Шу куни «Наманган сув таъминоти» масъулияти чекланган жамиятига банк иштирокидаги лойиҳалар



доирасида янги махсус техника воситалари тантанали равишда топширилди.

— Авария-тиклаш бригадаси учун мўлжалланган 10 та махсус автомашина, 9 та экскаватор ва 5 та компрессор механизмзини қабул қилиб олдик, — дейди МЧЖ директори Илҳомжон Ширанов. — Юқори унумдорликка эга ушбу замонавий техникалар жойларда сув таъминотини яхшилаш бўйича олиб борилаётган жорий ишлар, шунингдек, истиқболли лойиҳалар ижросида сувсозларимизга энг яқин кўмакчи бўлади.

Маълумот учун, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига вилоят аҳолисининг қарийб 80 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Анджон вилоятида водийда ягона ҳисобланган йирик лойиҳа — 400 мВт-лик фотоэлектр станцияси қурилиши бошланди.

Энергетика

— Лойиҳа ишлари Хитой

Халқ Республикасининг «Poverchina international group» корхонаси билан ҳамкорликда бажарилмоқда, — дейди «Худудий электр тармоқлари» АЖ Анджон худудий филиали масъул ходими Мухлисаҳон Собирова. — Уни ишга тушириш орқали 700 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шунингдек, 212 миллион кубометр табиий газни тежа-ш ҳамда 294 минг тонна зарарли «иссиқхона газлари» чиқишининг олди олинади.

Лойиҳаниннг биринчи босқи-

чи 2024 йилнинг апрель, иккинчи босқичи эса ноябрь ойида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Унинг ишга туширилиши натижасида вилоятда электр таъминотидаги муаммолар ҳам ижобий ечим топиши кутилмоқда.

«Янги Анджон» массивида бунёдкорлик ишларида киришиш олдиндан тадбир бўлиб ўтди. Унда сўз олган ҳар икки давлат вакиллари лойиҳаниннг аҳамияти ҳақида фикр билдирди.

Саминжон ХУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ 3700 ТОННАДАН 33000 ТОННАГА ОШАДИ

Хоразм вилоятида кейинги беш йилда боғдорчилик маҳсулотлари экспорти ҳажми 3 700 тоннадан 33 минг тоннага ортди. Бу мазкур соҳада амалга оширилаётган янги лойиҳалар, боғдорчиликка жорий этилаётган замонавий агротехнологиялар самарасидир.

Боғдорчилик

2017 йилда вилоятда жами 12 минг 311 гектар боғ мавжуд бўлган бўлса, пахта майдонларини қисқартириш эъзига ўтган йили 15 минг 404 гектарга етди. Биргина Урганч туманида кейинги уч йилда Туркия технологияси асосида 700 гектар янги боғлар ташкил қилинди.

— Ўтган йили туманимиз боғбонлари 7 млн. 600 минг долларлик мева экспорт қилишди, — дейди Республика кишлоқ ҳўжалигида хизматлар кўрсатиш агент-

лигининг Урганч тумани лойиҳа офиси раҳбари Жасур Машарипов. — Айни кунда фермер ҳўжаликларида етиштирилган сархил мевалар кўшни давлатларга чиқарилмоқда. Худудда агрологистика тармоғининг ривожланиши бу жараёнда боғбонларга қўл келяпти.

Маълумотларга қараганда, жорий йил мева экспорти ҳажмини 10 млн. АҚШ доллари-га етказиш мўлжалланган.

Одилбек ОДАМБОВ
(«Халқ сўзи»).

Янги саноат технопаркига ТАМАЛ ТОШИ ҚўЙИЛДИ

Жиззахда Хитой давлати билан ҳамкорликда 2023-2024 йилларда умумий қиймати 1 миллиард АҚШ доллари эквивалентидаги инвестиция ўзлаштирилаётган саноат технопарки қурилишига тамал тоши қўйилди.

Интилиш

— Мазкур технопаркда қисқа вақт ичида электротехника, кимё саноати, текстиль ва қурилиш материаллари маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда маҳаллийлаштириш учун ишлар бошланади, — дейди тадбирда сўзга чиққан Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Солиев. — Маҳсулотлар нафақат ички бозорга, балки экспортга ҳам йўналтирилади. Ҳозирги кунда вилоятда Хитой капиталли иштирокида 40 дан зиёд корхоналар фаолият

кўрсатаётган бўлиб, улар томонидан 910 млн. АҚШ долларилик инвестициялар жалб қилинган.

Тадбир давомида Хитой Савдо-саноат палатаси ижро-чи раиси Лю Юй бошчилигидаги тадбиркорлар вилоятининг инвестициявий муҳити ва диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишди. Ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Толибжан ЭРГАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

ATROF-MUHIT VA TABIATNI MUHOFAZA QILISH TECHNOLOGIYALARI ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI

2024-O'QUV YILI UCHUN TAYANCH DOKTORANTURA (PhD) VA DOKTORANTURA (DSc)DA O'QISH UCHUN TALABGORLARDAN HUJJATLAR QABULINI E'LON QILADI

TAYANCH DOKTORANTURA, STAJOR-TADQIQOTCHI, MUSTAQIL IZLANUVCHILIKKA (PhD) quyidagi ixtisoslik bo'yicha:

11.00.05 — Atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish (texnika fanlari bo'yicha) — 4 kishi;

Talabgorlarni tayanch doktorantura, stajor-tadqiqotchi, mustaqil izlanuvchilikka (PhD) qabul qismi bo'yicha quyidagi hujjatlar talab etiladi:

- ariza;
- qisqacha biografik ma'lumot (obyektivka — namuna 3.5 shakl, o'zbekcha yoki ruscha);
- mehnat daftarchasining belgilangan

tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);

- oliy ta'lim muassasasi magistratura diplomini yoki oliy ma'lumot (mutaxassislik dasturlari bo'yicha) to'g'risida diplom nusxasi;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek, ularning nusxalari (kamida bitta ilmiy maqola va ikkita tezis);
- ish joyidan tavsifnoma (mustaqil izlanuvchilar uchun);
- pasport nusxasi;
- O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Davlat stipendiyasi hujjat nusxasi (mavjud bo'lsa);
- IELTS, TOEFL yoki boshqa tan olingan talab darajasidagi sertifikatlar.
- Barcha hujjatlar pdf shaklida tayyorlanib Oliy ta'limdan keyingi ta'limni muvofiqlashtiruvchi Yagona elektron tizim (<http://phd.mininnovation.uz>) orqali ro'yxatdan o'tkazilgan holda yuboriladi.

DOKTORANTURA (DSc)ga quyidagi ixtisoslik bo'yicha:

11.00.05 — Atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish (texnika fanlari bo'yicha) — 2 kishi.

Doktoranturaga quyidagilarga ega bo'lganlar qabul qilinadi:

fan nomzodi yoki falsafa doktori (PhD) yoxud ularga tenglashtirilgan xorijiy davlatlarda olingan ilmiy darajalar.

Doktoranturada o'qishga talabgorlar quyidagi hujjatlarni taqdim etadi:

Doktorantura, mustaqil izlanuvchilikka (DSc):

- ariza;

- qisqacha biografik ma'lumot (obyektivka — namuna 3.5 shakl, o'zbekcha yoki ruscha);
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- oliy ma'lumot, fan nomzodi yoxud falsafa doktori (PhD) yoki xorijiy davlatlarda unga tenglashtirilgan ilmiy darajaga ega bo'lgani to'g'risidagi diplom nusxasi;
- tadqiqot mavzusi bo'yicha ilmiy ma'ruza va fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan doktorlik dissertatsiyasi rejasining batafsil loyihasi;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek, ularning nusxalari (kamida uchta ilmiy maqola va ikkita tezis);
- ish joyidan tavsifnoma (mustaqil izlanuvchilar uchun);
- pasport nusxasi;
- ilmiy yutuqlari (O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Davlat stipendiyasi hujjat nusxasi);

- IELTS, TOEFL yoki boshqa tan olingan talab darajasidagi sertifikatlar.
- Barcha hujjatlar pdf shaklida tayyorlanib, Oliy ta'limdan keyingi ta'limni muvofiqlashtiruvchi Yagona elektron tizim (<http://phd.mininnovation.uz>) orqali ro'yxatdan o'tkazilgan holda yuboriladi.

Hujjatlar 2023-yilning 15-oktabriga qadar qabul qilinadi.

Manzil: Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Bunyodkor shohko'chasi, 7-“A” uy.
Atrof-muhit va tabiatni muhofaza qilish texnologiyalari ilmiy-tadqiqot instituti ilmiy kadrlarni tayyorlash va doktorantura bo'limi.

Ma'lumot uchun telefonlar:
71-277-89-22, 71-277-69-83.
Bog'lanish uchun telefon:
93-393-55-66.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 941. 33 088 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини юкчи олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



Таҳририятга келган кўлаёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетаниннг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририятга марказида терилиш ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетаниннг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 02.15 1 2 3 4 5 6